

## ЯККАСАРОЙ МАҲАЛЛАСИДАГИ ТАДБИРДА

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ шарофати ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг катта ғамхўрлиги тўғрисида маҳаллаларга бўлган эътиборнинг жонли гувоҳи бўлиб турибмиз. Бинобарин қадимдан маҳаллалар меҳр-оқибат, аҳилиқ тимсоли, анъана ва расм-русумларимиз сақлашиб келадиган аjoyиб масканлардан бири бўлиб қолмоқда. Юқорида айтганимиздек истиқлол туғайли унутилмаётган қадриятларимиз, яхши анъаналаримиз худди ана шу аjoyиб маскан — маҳаллаларимизда янгидан кўртак ёза бошлади. Бинобарин бундан биз мустақил давлатимиз пойтахти Тошкент шаҳри маҳаллалари мисолида ҳам яққол кўрамиз. Бу ерда амалга оширилаётган ишлар, янгича расм-русум ва анъаналарни янада қарор топаётганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Бу борада кенг қўламдаги «Маҳалла» дастурининг амалга оширилаётганлиги аниқ мудоао бўлмоқда.

Пойтахтимизнинг Яккасарой туманидаги маҳаллаларда ҳам миллий қадриятларимизни тиклаш, тўй ва маросим-

ларни кишиларнинг умр бўйи эсида сақлашиб қолаётган тарзда ўтказишга эътибор қаратилмоқда. Одамларнинг бир-бирига меҳрибонлигини айтмайсизми! Бундай меҳр-оқибат маҳаллаларда ўтказилаётган турли маросим ва тадбирларда кўзга яққол ташланмоқда. Бундан кеча ана шу тумандаги Яккасарой маҳалласида ўтказилган тадбир ҳам исботлаб турибди. Яна шуниси диққатга сазоворки, бу тадбирда Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислам Каримов қатнашди. Юртбошимиз бу ердаги нуруний оқсоқоллар билан дилдан суҳбатлашди. Отаҳонлар миллий қадриятларимизнинг тикланиши ва ўзбекистон урф-одатларимизнинг янгича мазмун касб этаётганлигида юртбошимизнинг хизматлари нақадар катта эканлигини чуқур қониқиш ҳисси билан таъкидладилар.

Яккасарой маҳалласида бўлиб ўтган тадбир ўзгача шукўҳ ва тароват касб этди. Юртбошимизнинг ана шу тадбирга ташрифи чоғида унга Тошкент шаҳар Ҳокими Аҳмадбек Фозилбеков ҳамроҳлик қилди.

## СОБИҚ БУХОРО АМИРИ САЙИД ОЛИМХОННИНГ ФАРЗАНДЛАРИГА

Муҳтарам ватандошлар! Ўзбекистон Ҳумхуриятининг икки йиллик тўйи муносабати билан йўллаган табрикноманинг учун чин дилдан ташаккур изҳор этаман.

Ватанга фарзандлик соғинчи ва эҳтиром ила йўрилган мактубингизда зикр этилмиш бир сана — 1920 йилнинг 1 сентябрийда Бухоро давлатининг маъв этилгани ҳақидаги эскертиш бизни айниқса ўйга толдириди.

Яратганининг қаромати ва адолатини қарангки, орадан 71 йил ўтиб, қўҳна ва жа-

фокаш Ватанимизда янги, Мустақил давлат — Ўзбекистон Ҳумхурияти қад кўтарди. Бу шонли воқеа, сизлар гоёт ўринли таъкидлаганингиздек, асл томири Туркистонда унган халқ учун тарихий, асрий орзулар ушлаган кундир.

Хориждаги барча ватандошларимизни яна бир қара Озодлик байрами билан қўлашга ижозат бергайсизлар. Юртимиз дарвозалари сизлар учун ҳаминча очилди. Барчангизнинг ишларингизга ривож, умрингизга ба-

рака, хонадонларингизга тинчлик-омонлик тилайман.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислам КАРИМОВ.

## \* Меҳнат жамоаларида ХОРИЖЛИК ТАДБИРКОРЛАР ТАЛАБГОР

ТОШКЕНТ қишлоқ ҳўжалик машинасозлиги ишлаб чиқариш бirlашмасининг номини биргана республикага эмас, балки хорижий ўлкаларда ҳам тан олинган бўлиши. Чунки ҳозирги бозор иқтисодиётининг қийин шaroитларига қарамай қорхонанинг тадбиркор мутасаддилари ахтарган ва ҳар томонлама мукамил бўлган пахта териш машиналарини ишлаб чиқаришни кенг жорий этишмоқда. Бirlашмада қилинаётган ишлар ҳақида қорхона раҳбари Владимир Карлов шундай ҳикоя қилади:

— Республикамиз мустақилликка эришгандан буюн олиб борилаётган иқтисодий алоқаларнинг натижалари бутунни кунда кўз ўнгимизда намоён бўлиб турибди. Жамомиз ҳар қандай қийин шaroитларга қарамай имкоқ топиб ишламоқда. Уш олимизга шундай мақсадларни қўйганимизки, у ишнинг фойдасини, қорхонанинг нўфузини, республикамизнинг истиқлолини тақомиллаштиришга олиш керак. Маана шу уч мақсад ҳар биримизнинг олдимизда тиниб кетган. Айни вақтда ишчиларининг олаётган ўрғана ойлик маошлари 50 минг сўмга кўпайишмоқда. Ишдан бўш вақтларини мароқли ўтказишлари учун ҳар томонлама қўлайликка эга бўлган маданият саройиниш улар хизматиди. Қорхонага қарашли бўлган тиббий хизмат бўлимида саломатликларини тиклаш учун ҳам барча керакли асбоб-анжомлар ва дори-дармонлар мўхайёидир. Бirlашмамиз ишчи-хиз-

ки бўлди. Яратилган ХМ-01 пахта териш машинаси учун қўлаб хорижлик тадбиркорлар талабгор бўлишмоқда. Аргентина, Тунис, Болгария, Туркия, Покистон, Эрон, Хитой, Австралия ва Саудия Арабистоний давлатларидаги касбдошларимиз ва ишбилармон фирмаларнинг раҳбарлари бизлар билан шартномалар тузиш ишларини билириб, уларнинг айримлари ўз мақсадларига эришмоқдалар. Сабоби ХМ-01 пахта териш машинасини ҳар қандай шaroитда ва турли хил ўлчамларга энгилган пахталарини теришга мослаштириш ҳам мумкин. Шунингдек аввалгиларига нисбатан бирмунча ихчам ишланган. Бизларнинг эзгу мақсадларимиз ҳали жуда кўп. Чунки қарера борманг Ўзбекистон деб сўз юртигадана, албатта унинг тоғ-тоғ уюлган пахта хирмонлари кўз ўнгимизда намоён бўлади. Уни парварилаш ва ҳосилини йилги-териб олишда сўзенс пахта териш машиналарининг хиссаси ҳам каттадир. Шунинг учун ҳам қорхонада кейинги йилларда асосий ишлаб чиқариладиган маҳсулотимиз қишлоқ ҳўжалик машиналари ва улар учун эҳтиёт қисмлари бўлади. Ана шулардан қолган хом ашёлардан эса халқ истеъмол буюмлари ишлаб чиқарилаверади.

Виктор ВУКАЕВ.

## МОҲИР ҚўЛЛАР БЕЛЛАШУВИ

ШАҲРИМИЗДАГИ йирик ишлаб чиқариш бirlашмаларидан бири «Тўқимачилик комбинати» Тошкент ин-газалама бirlашмаси ўзининг 60 йиллик тўйини ишпоил арафасида турибди. Шу муносабат билан ушбу санага қизгин тайёргарлик кетмоқда. Бу борада комбинат тасарруфидида 3-ин йигирув ва тўқув фабрикасининг меҳнат жамоаси ҳам байрамни кўтаришни руҳда кўтиб олиш учун ҳаракат қилмоқдалар. Яқинда фабрикада «Моҳир қўллар» беллашув ўтказилди. Унда ин-йигирув ва тўқув цехининг қизлари қатнашдилар.

Ил-йигирув цехининг икки жамоасидан уч нафардан ишчи бир иш соҳасида куч синашдилар. Мусобақада асосий эътибор қизларнинг қаққонлигига, иш сифатига, яъни қалаванинг ўралиши ва қўламинга қаратилди. Унда ин-йигирувчилардан Мукаррам Даминова, Земфира Аҳмадова, Забуда Тўлаганова, Ёлғора Қосимовалар алоҳида жонбозлик кўрсатдилар. Шунингдек, тўқувчи қизларнинг беллашув ҳам ўзига хос тарзда ўтди. Унда ҳар бир мусобақа қатнашчиси 24 тадан дастгоҳини бошқариб, ушланган ишларини қаққонлиқ билан улашди ва сифатли мато тўқишда ўрнат бўлиларди. Тўқувчилардан Шаҳноза Пўлатова, Зулайхо Орифжонова, Мухомбат Мирзаахмедова, Нилуфар Шукровалар мусобақада ўрнат кўрсатдилар. Фабрика маъмурияти томонидан тузилган ҳакамлар ҳайъати ҳар икки цех ишларини юқори баҳолади. Беллашувда тўқувчилар орасида Мухомбат Мирзаахмедова, қалава тўқувчилардан Земфира Аҳмадовалар голиб чиқиди. Бу қаққон қизлар энди комбинатнинг бошқа фабрикалари ва шоҳобчалари ишчилари билан куч синашадилар. Назира СОДИКОВА.



«Малика» трикотаж тўқувчилик ишлаб чиқариш бirlашмасининг таъриба цехида 70 дан зиёд ишчи меҳнат қилади. Улар ишлаб чиқаришга таъбиқ этиладиган маҳсулотларнинг энг дастлабки намунасини тикиб чиқарадилар. Айни вақтда жамоа келгуси йил учун тикилдиган маҳсулотлар намунасини сновдан ўтказишмоқда. Бу

цехда ишлаш талаби юқори бўлгани учун энг мақалла тўқувчилар ишлайди. Шулардан бири К. Исмоиловдир. У ишда ҳам, жамоат ишларида ҳам ўз фаолиятини су-сайтирмайди.

СУРАТДА: К. Исмоилов. Валерий Харитонов сурати.

## БИЗНИ ЖАҲОН ҚУТЛАЙДИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ МУҲТАРАМ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ўзбекистон мустақиллиги эълон қилинганнинг икки йиллиги муносабати билан Сизга шахсан ўз номимдан ва меҳис халқимиз номидан мамлакатимизнинг бундан кейин ҳам гуллаб-яшнаши ва халқининг келажакки пардоқ бўлишини тилаб, самимий қўтловларимни йўллайман.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин ўтган икки йил мобайнида мамлакатимиз ўртасида кўп соҳаларда ҳамкорлик бошланди ва муваффақият билан давом этмоқда. Бунга Сизнинг Германия Федератив Республикасида қилган ташрифингиз ва бу ташриф чоғида ўрнатилган алоқалар омили бўлди. Мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро алоқалар халқларимиз фаровонлиги йўлида бундан кейин ҳам тараққий этилиши ишончим комил. Шу муносабат билан мамлакатимизнинг Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашиишида фаол қатнашиш истагини қўтлайман ва қўлаб-қувватлайман.

Рихард Фон Вайцекер, Германия Федератив Республикаси Президенти.

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ МУҲТАРАМ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Президент Жаноблари. Миллий байрамларингиз муносабати билан Сизга энг эзгу тилакларимиз изҳор этишдан бахтиёрман. Мамлакатларимиз ўртасида ўзаро ишонч ва дўстлик алоқалари болганган. Бизнинг бўлажак учрашувимиз бу алоқаларни янада мустаҳкамлашга ва Франция—Ўзбекистон муносабатларида муҳим нўкеа бўлишига ишончим комил.

Ушбу қўтловни Сизга бўлган юксак ҳурматим ифодаси деб билгайсиз, Президент Жаноблари.

Франсуа Миттеран, Франция Республикаси Президенти.

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги кунини — миллий байрамларингиз муносабати билан Мексика халқи ва ҳукумати номидан энг самимий қўтловларимиз изҳор этишга ижозат бергайсиз. Фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларига ва бағри кенг ўзбек халқига сўхат-саломатлик, шод-хуррамлик, фаровонлик тилайман.

Карлос Салинас Де Гортари, Мексика Қўшма Штатлари Президенти.

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ МУҲТАРАМ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби олийлари, Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами — давлат мустақиллиги кунини Сизга ва ўзбек халқига энг самимий қўтловларимиз йўллаш менга алоҳида мамнуният бахш этади.

Бундан буюн мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасида ўзаро манфаатли муносабатларни йўлга қўйиш ва ривожлантириш учун барча имкониятлар борлигига ишончим комил. Ушлан миллий байрамларингиз муносабати билан сизнинг янги демократик ва эркин, жаҳиат қуришдаги фаолиятингизга катта муваффақият, ўзбек халқига эса бахт-саодат ва фаровонлик тилайман.

Ион Илнеску, Руминия Президенти.

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБЛАРИГА

Муҳтарам Президент Жаноблари, Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги кунини муносабати билан энг самимий қўтловларимиз қабул қилгайсиз. Мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар болгар ва ўзбек халқларининг фардон турмуш кеириши учун муҳим омил бўлишига ишончим комил.

Сизга сўхат-саломатлик ва фаолиятингизда улкан муваффақиятлар тилайман.

Жельо Желев, Болгария Республикаси Президенти.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАТБУОТ ВА ОММОВИЯ АХВОРОТ ВОСИТАЛАРИГА ХОДИМЛАРИ КУНИНИ БЕЛГИЛАШ Тўғрисида

## Илмий-амалий а н ж у м а н

МИРЗО Улуғбек тумани ҳокимлиги туман ҳудудидидаги 9 та ўрамда Президентимиз Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон — бозор муносабатларида ўттишининг ўзига хос йўли» китоби, умумхалқ мувоқамасига қўйилган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайловлар тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ва Олий Кенгашининг ўн иккинчи қаққирқ ўн учинчи сессияси янвўларига бағишланган илмий-амалий конференция ўтказди. Мазкур конференция учга бўлинган ҳолда уч жойида ўтказилди. Унда маҳалла фаоллари, уруш ва меҳнат фахрийлари, туман ҳудудидида жойлашган қорхоналар, ташкилот ва муассасалар вакиллари қатнашдилар.

Ислам Каримовнинг мазкур рисоласи ҳақида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг иқтисод институтини бўлим мудири, иқтисод фанлари доктори, профессор Сановат Эгамбердиева маъруза қилди. Қонун лойиҳаси бўлибча Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси фалсафа ва ҳуқуқ институтининг бўлим мудири, ҳуқуқшунослик фанлари доктори, профессор Мириний Файзиев сўзлади. Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари Виталий Коробельников ва Сергей Кабановлар сессиядан олган ўз таассуротларини йиғилгалар билан ўртоқлашдилар.

— Конференция қатнашчилари ушбу йиғилиш тўғрисида баённома қабул қилдилар. Унда Президентимиз И. Каримовнинг «Ўзбекистон — бозор муносабатларида ўттишининг ўзига хос йўли» китоби мустақил Ўзбекистоннинг бозор муносабатларида ўттиш даврида амалий ҳаракатлар учун дастуриямал бўлиши алоҳида таъкидланди. — деди туман ҳокими ўринбосари Илхом Расулов. — Китобда халқимизнинг ўзига хос урф-одатлари ва шароити, тараққий этган давлатлар иқтисодиёти ҳисобга олинган ҳолда мустақиллик ўзига хос йўли аниқ кўрсатиб берилаганлиги алоҳида қайд этилди.

Умумхалқ мувоқамаси давом этаётган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайловлар тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси жаҳиатимиз манфаатларига, халқаро ҳуқуқ нормаларига мослиги уқтирилди.

Машҳура МИРЗАМУХАМЕДОВА.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қарор қилди:

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини энди 27 июнь белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри, 1993 йил 3 сентябрь.

## ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

15 сентябрь кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов доктор Эрнст Пипер бошчилигидаги Германия иқтисодиётининг Шарқий-Европа мамлакатлари қўмитаси делегациясини қабул қилди.

— Мен Сиз билан Германияда бўлган учрашувларимиз жуда яхши эслайман, — деди Ўзбекистон раҳбари. — Юртимизга ташрифингиздан гоёт хурсандман. Республикада амалга оширилаётган туз ислохотлар, юз бераётган ўзгаришлар Сизга яхши маълум. Ички имкониятларимиз, хомашё бойликларимиз ҳам сир эмас. Жаҳондаги қўлаб мамлакатлар биз билан ҳамкорлик қилишга интиломоқдалар. Бу борада Германия ишбилармонлари амалга ошираётган ишларни алоҳида таъкидлашни истар эдим. Биз барча соҳаларда имзоланган битим ва шартномаларга ҳукумат томонидан қарорат берамиз. Рангли металллар, нефть ва газ олиш ҳамда қайта ишлаш, телекоммуникация, энгил саноат ва савдо, тайёрағохлар қуриш соҳаларида ҳамкорлик лойиҳаларини қўриб чиқишга, уларни амалиётга таъбиқ этишга тайёрмиз.

Эрнст Пипер делегация аъзолари номидан самимий қабул ва Ўзбекистон ҳаёти билан яқиндан танишиш имконияти яратилгани учун миннатдорлик изҳор қилди. Германия ва Ўзбекистон ўртасидаги амалий ҳамкорлик икки халқ манфаати йўлида ривожланаверади деб, умид билдирди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари У. Султонов, Қ. Ҳаққулов, В. Ҳамидов, Германиянинг Ўзбекистондаги фавақлодда ва мухтор элчиси Карл Хайнц Куна иштирок этдилар.

(ЎЗА).

## Бутунги кун нафаси

### РЕСПУБЛИКАМИЗДА

- Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислам Каримов 14 сентябрь кунини Америка Қўшма Штатлари давлат департаментининг махсус тошхирлар бўйича элчиси жаноб Строб Талботтин қабул қилди.
- Қозғоғистон Республикасининг Ўзбекистондаги Фавақлодда ва мухтор элчиси энди тайинланган Батиршо-Ули Сайлау 14 сентябрь кунини мамлакатимиз Президенти Ислам Каримовга ишонч ёрлигини тошхирди.
- Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг Фармони билан «Қаршиқурилиш» иқтисослаштирилган қурилиш бirlашмасининг алоҳида ўрнат қўрсатган бир гуруҳ ходимлари фахрий унвонлар ва Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрликлари билан мукофотландилар.
- Бугун Бухорода буюк аллома Баҳауддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллигига бағишланган тантаналар бошланди.
- Тошкент вилояти пахтакорлари ҳам дастлабки «оқ олтин» қаргонларини қабул пунктларига жўнатдилар.
- Андикон ва Хоразм вилоятлари фаолларининг Ўзбекистон Олий Кенгаши ўн учинчи сессияси қарорлари асосида иқтисодиётини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари масаласига бағишланган йиғилишлари бўлиб ўтди.
- Тошкентда олий мақолали илмий ва илмий-педагогик ходимлар давлат аттестация ўрнатилган халқаро уюшмасига қирадиган олий аттестация комиссиялари ижтимоий ва гуманитар фанлар бўлимлари раҳбарларининг ўн кунлик кенгаши очилди. Унда Ўзбекистон, Россия Федерацияси ва Қирғизистон вакиллари иштирок этмоқдалар.
- Ўзбекистон Вазирлар маҳкамаси Республика Президенти Кубоги учун теннис бўйича халқаро турнир ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу турнирда тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш таъкили қўмитаси тузилди.

### ҲАМДУСТЛИҚДА

- Россия ва Тожикистон бош вазирларининг биринчи ўринбосарлари Александро Шохин билан Алексей Елисеев Москвада Тожикистон пул тизимини Россия пул тизими билан бirlаштириш тўғрисидаги битимни имзоладилар. Бу ҳужжатда Тожикистон молиявий қонуқчилигини Россиянинг молиявий қонуқчилигига мос келтириш кўзда тутилди.
- 1993 йил 1 сентябрдан энди бораган Россия Украина ҳудудда жойлаштирилган ядро қурол-яроғларни устидан назоратини амалда йўқотди. Россиянинг ана шу назоратини амалга оширадиган қуролли қучлари ҳозир Украинада қолмади.
- Россиянинг Тожикистондаги чегара қўшинлари гуруҳининг қўмондони генерал-майор Чичулин қатор хорижий оммавий ахборот воситаларининг чегара яқинидаги афгон қишлоқлардан бирига бомба зарбаси берганлиги тўғрисидаги хабарларини қатъийан рад этди.
- Тоғли Қорабоддаги можаро оқибатлари ҳусусида баъзи маълумотлар эълон қилинди. Армен ва Озарбайжон қуролли тўқнашувлари тўғрисида бу ҳудудда аҳолининг ундан бир қисми бошлансиз қолди, саноат қорхоналарининг 70 фоизга яқини йўқ қилинди, экинзорлар уч бараварга қисқарди.
- Уч террорчи кеча Бокундан Пермага учиб бораётган, 44 йўловчи бўлган Россиянинг ТУ—134 йўловчи самолётини гаровга олди. Улар самолётни гранаталар ёрдамида портлатиб юбориш таҳдиди қилиб, самолётни Украина пойтахтидаги Борисполь аэропортига қўшимча аниқли олиш учун қўндиришга мажбур қилди.

### ХОРИЖДА

- Бirlашган Миллатлар Ташкилоти мутахассисларининг маълумотларига кўра Россиянинг ташқи қарзи 78 миллиард долларга етган. Россия ташқи қарзи бўйича Бразилия ва Мексикадан сўнг жаҳонда учинчи ўринни эгаллаб турибди.
- Франция Президенти Франсуа Миттеран кеча Сеулда Осие ва Тинч океани минтақасида хавфсизлигини таъминлаш юзасидан Жанубий Корея раҳбарлари билан музокаралар олиб борди. Бугун у Қозғоғистон пойтахти Алматыга расмий ташриф қилиб келади.
- Канада, АКШ ва Мексика, Шимолий Америка эркин иқтисодиёт ва савдо зонасини ташкил этиш тўғрисидаги ҳужжатни имзоладилар. Унга кўра 15 йил ичиди ушбу давлатлар бу ҳудудда сармоялар, моллар, ишчи кучи эркин сиклиши йўлидаги барча тўқнашларни олиб ташлашлари зарур.
- БМТ Бош қотиби Бутрос Ботри халқаро ҳамжамият қароргоҳида Фалестин Озодлик ташкилотининг раиси Ясир Арафат билан учрашди. БМТ Габо сектори ва Йерихон туманида Фалестин мухториятини ривожлантириш учун 3 миллиард доллар ажратилганини билдирди.

## МАҲСУЛОТ ТУРИ КўПАЙМОҚДА

### ЎЗБЕКИСТОН — Италия қўшма қорхонаси «Элапластика»да ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларининг тури яқин кўнлардан бошлаб ана бир нечтага кўпайди. Бу ерда турли ҳажмдаги пластмаска қўтилар ишлаб чиқариладиган янги дех фойдаланишга тошхирилди. Дастлаб янги маҳсулот синов тарикасида чиқарилаган эди. Унга талаб ортиб уни ишлаб чиқариладиган бўлинима цехга айлантирилди. Ҳозир бу ерда бир йўла бир неча турда халқ истеъмол буюмлари тайёрлаш рекалантирилмоқда.

Қорхонада тайёрланаётган қўриқоқлар, болалар учун идиш-товоқ термалари ва шунга ўхшаш маҳсулотлар ҳам эндиликда ана шу бежирим қўтичаларга жойлаино чиқарилади.

Кафедрада «Шаҳар электр транспорт»дан ўқув рекаси тузилди. Мазкур машғулотлар танишув фанн сифатида ўқув жараёнига таъбиқ қилинди.

Талабалар олган назарий, билимларини амалий машғулотлар ёрдамида янада мустаҳкамлайдилар. Тошкент трамвай-троллейбус бошқармаси, Тошкент метрополитенининг электр депоси ва бошқа транспорт қорхоналари ана шундай амалий кузатуларини олиб боришда асосий негиз бўлиб хизмат қилади.

Вохид ВАЛИЕР

Талабалар олган назарий, билимларини амалий машғулотлар ёрдамида янада мустаҳкамлайдилар. Тошкент трамвай-троллейбус бошқармаси, Тошкент метрополитенининг электр депоси ва бошқа транспорт қорхоналари ана шундай амалий кузатуларини олиб боришда асосий негиз бўлиб хизмат қилади.

Вохид ВАЛИЕР

Талабалар олган назарий, билимларини амалий машғулотлар ёрдамида янада мустаҳкамлайдилар. Тошкент трамвай-троллейбус бошқармаси, Тошкент метрополитенининг электр депоси ва бошқа транспорт қорхоналари ана шундай амалий кузатуларини олиб боришда асосий негиз бўлиб хизмат қилади.





ХАЛҚ достонларида миллий анъаналар, урф-одатлар ва инсоний қадриятлар доимо ижобий образлар хатти-ҳаракатлари билан боғлаб тасвирланади. Улар тим-солида мардлик, тўғрилик, адолат-парварлик, вафодорлик, ҳалоллик биринчи ўринга қўйилади. Қайси давр достони, қиссаси ёки эмадабиёт намунаси бўлмасин, уларда инсоний қадриятлар улуғланади. Масалан, «Алломини» достониде сеvimли ёр, оила ва уруғ бирлиги йўлида кўрсатилган мардлик, жасурлик, қаҳрамонлик, ватанпарварлик, турли элатлар ва халқлар биродарлиги, дўстлик ва самимиёт улугланади. Халқнинг қаҳрамонлиги ва мардлик ҳақидаги голлариди содиқ дўст, вафодор ёр, оқибатли жон-жигар, тўғрисидаги орау-умидларини достоннинг асосий ижобий қаҳрамонлари Алломини, Барчин, Қоражон, Қадиргоч, Қўлтой ва Ёлдорлар тисолида тасвирланади. Халқ уларни ўз душманларига қарши курашда ҳар ишга қодир жисмоний бакуват, маънавий етук қаҳрамонлар қилиб аратган. Масалан, Қўнғирот уруғи бошқилари Бойбўри ва Бойсарининг болалари Ҳакимбек ва Барчин ажиб-гаройиб шартларда туғилди ва ёшлагидеёқ Шохимардон пирим томонидан унаштирилди. Ҳакимбек ёшлагидеёқ баҳодирона ишларга қодир бўлиб ўсди ва етти ёшдаёқ бобоси Алломинидан қолган ўн тўрт ботмонли сари ёлдан отиб, Аскар тоғининг қўқисини учириб юборган учун Алломини номини олади ва тўқсон алпининг бири бўлиб қолади.

Алломининг асосий жасорати, қаҳрамонлиги забот талаб қилганлиги учун ақиси Бойбўридан аразлаб, ўн беш кунлик масофадаги қалмоқ юртига — Кашал элига

қўчиб кетган Бойсари оиласи ва унинг қизи Барчин устига бостириб келган қалмоқ шохи Тойчажон лашкарига қарши курашда ва уларни тор-мор қилишида яққол намоён бўлади.

Қалмоқшох лашкарларига қарши курашда Алломининг адолатпарварлиги ва юксак инсоний туйғуларини янада равшан қўйилади. Чунончи, бу курашда унинг оддий одамларга жонкуяр ва хайрихоҳ, бечораларга мададор эканлиги кўриниб, Зеро, Алломини қалмоқ юртига босқинчилик қилиш учун

ради. Хуллас, достонда Алломини билан Қоражон ўртасидаги дўстлик ҳақиқонини ва ханжонли лашкарларда тасвирланган бўлиб, Қоражон образи орқали турли элатлар ўртасидаги инсоний фазилатлар улугланади.

Достонда Алломининг қаҳрамонлиги ишларига ёри Барчин ва синглиси Қадиргоч каби етакчи аёллар образи ҳам маънавийликни кўрсатди. Ўз элати ва юртига муҳаббат, ўз оиласи, ёри ва жигарларига садоқат, мустақиллик ва жасорат бу образларнинг ички моҳиятини

майдиди, балки ҳам алпларга, ҳам Алломинига тўрт шарт қўяди. Шу шартларнинг бажарилганга тегаман деб ваъда беради. Бу билан унга ишонган ва олти ой давомида зўрлик қилмай қутган алплар ишончига сазовор бўлади. Шу билан ўз ёридан ҳам мардлик, жасорат, доворларлик кўрсатишни, душманларини қойил қолдириб, тан бердиришни истади.

Хуллас достондаги барча ижобий образлар, жумладан оддий қўйбоқар Қўлтой бобо, Кашал юртида Бойсарининг қўлопларидан

билан боғлиқ бўлиб, тўйларнинг турли хилма-хилдир. Масалан, инсон ҳаёти ва фаолиятининг маълум палласи билан боғлиқ умр тўйлари, қумуш ва олтин тўйи, фарзанд туғилиши, бешик тўйи, воғта етти ўқиларини тугатиши, илим соҳасидаги ютуқлари билан боғлиқ тўйлар, суннат тўйлари, никоҳ тўйлари ва ҳоказолар оиладаги энг қувватли дамларини белгиловчи омиллар, сабаблардир. Уларда базм, ашуга-қўшиқ, ўйин-кутил, яхши қайғиёт, кўнгилхушлик ҳукмронлик қилади, дўстлар ва қариндош-оғайинларнинг табриклири, дил розилари жаранглайди. Ўзбек оилалари тўй маросимларига катта масъулият, орномус ва эътиқод билан қарайди. Шунинг учун йиллар давомида йигинади, мол тўплайди, сеп йиғидади. Катта ва пухта тайёргарликдан кейингина тўй бошлайди, албатта, исрофгарчиликка йўл қўяди. Тўйини файли ва яхши ўтказиб, кейин йиллаб қарзларини тўлашга қўриб етмаган оилалар ҳам оз эмас.

Шунинг учун халқимизнинг ўтмишидаги тўй анъаналарини ўрганиб, унутилганларини тиклаб, давр талабига мос келадиганларини жонлантириб, улардан тўй танталарини янада мазмунли, қувончли, ихчамроқ қилиш учун фойдаланилса, яхши самара беради, деб ишонамиз. Бинобарин, «Алломини» достониде ифодаланган тўй маросимлари билан боғлиқ урф-одат ва удувларни худди шу нуқтадан назардан кўздан кечириш мақсадга мувофиқдир.

Махмуда ОБИДОВА,  
Низомий номли Тошкент давлат педагогика институтининг доценти.

## \* Маънавий меросимиздан

# ҚўШИҚЛАРДА ҚОЛГАН ҲИКМАТЛАР

эмас, балки Қалмоқшох томонидан мол-мулкни тортиб олиниб, ўзи хизматкор қилинган Бойсарига мадад бериш ва уни Бойсунга олиб келиш учун юборди. Демак, адолат учун, ҳақиқат учун курашди.

Алломининг чинакам инсоний фазилатлари, унинг зулми ва разолатга қарши кураши, жасур ва жисмоний бакуватлиги унинг қалмоқ пахлавонларидан бири Қоражон билан дўстлашишга сабаб бўлди. Достонда тасвирланган воқеалар шарқ одадига кўра Алломини билан Қоражон дўстлиги адолат ва ҳақиқат, озолик ва тенглик, инсон ҳуқуқи ва номусу учун курашда борган сари мустақамланган. Барчин шартларини бажаришга, қалмоқларнинг тўқсон алпини енгитишга, ёрини олиб, ўз юртига келтиришга мадад бе-

ташқил этади. Улар юксак инсоний фазилатлари, ақл-фаросати уринли ва кескин хатти-ҳаракати, жасурлиги, тадбиркорлиги билан Алломини ва Қоражон қаҳрамонликлари ундайди. Чунончи, Барчин ёшлик чоғидаёқ эркин фикр юри-тадиган инсон сифатида намоён бўлади. Ўн минг уйли Қўнғирот уруғининг Кашал юртига қўчилини кўччилик маъқуллаб турган бир пайтда Барчин бунга қарши чиқади.

Достон воқеалари давомида Барчин образи янада тақомиллашиб, унинг барча инсоний фазилатлари адолатпарвар ва ҳақгўйлиги очила боради. Масалан, қалмоқ алпларидан сўраган олти ойлик муҳлат тўлганда Қўнғирот элидан Алломини ёри келади. Бироқ Алломини келди деб унинг эганидан ушлаб эргашиб кетавер-

бири Қайқубод, Қалмоқшохнинг қизи Товка, Алломининг етти йашар ўғли Ёлдор образлари халқ тасавуридаги ахлоқий покликни, жисмоний қамолот ва маънавий юксаклигини ўзда мукассамлаштирган инсонни улуглайди.

«Алломини» достонини ўрганишнинг амалий аҳамияти яна шундан иборатки, унда қўриб ўтганимиз инсоний қадриятлардан ташқари, халқимизнинг қадимий бой анъаналари, урф-одатлари ва удувлари ҳам яхши ёритилган. Ана шундай анъаналардан бири тўй маросимидир. Маълумки, тўй маросими жуда қадим-қадимдан халқимизнинг ҳаётига чуқур сингиб кетган ва кенг тарқалган. Чунки тўйлар халқимизнинг орау-ҳаваслари, қувончлари, маҳалла ва қариндошлари олдидеги бурчи ва обрўлари, оилавий шодиевлари

## ДИНОЗАВРЛАРГА

### ЎХШАЙМИЗМИ?

БУЮК Британияда чиқадиган «Индипендент» газетаси берган хабарини олдигина ҳамма шов-шув учун қилинган набатдаги иш деб ўйлади. Аммо ундай эмас экан. Хабарда айтилишича сайёраимизнинг ниҳоятда улкан астероид билан тўқнашувининг оқибати нима билан тугаши ҳозирча номаълум. Лекин унинг портлаши, вайрон қилиш қудрати миллионла водород бомбасининг портлаши билан тенг келар экан!

Одамлар ана шундан кейин чинакамга ваҳимага тушдиларки, асти қўйверасиз. Хангомини бошлаб қўйган газетаси одамларнинг тинчлантиришга шошилди: бу тўқнашув бир неча юз минг йилдан кейин юз беради!

Аслида газетда ҳам унча айб йўқ! Чунки Велфастдаги қироллик университети-нинг мунажжими Алан Фрицсимонсининг тадқиқотларига асосланиб хабар эълон қилганда-да Алан жанобларнинг ҳулосасига кўра Қўёш силсиласида ер орбитасига жуда яқин бўлган жисмлар аввал йўлангандан бир мунча кўпроқ экан!

Фрицсимонсининг ҳулосаси нуфузли мунажжим, фалакшунсларнинг Қўёш силсиласи яшаб келатган 4 ярим миллион йиллик вақт мобайнида барча катта астероид-

лар яқин атрофдаги сайёра билан тўқнашув вақтида йўқ бўлиб кетган, деган маълум ақидасига тасомил эли эди. Шунга кўра Ернинг астероидлар билан учрашуви 150 миллион йилда бир марта юз бериши мумкин деб ҳисобланган. Фрицсимонсининг янгилиги тўқнашув назаринисига бошқача қарашга мажбур қилади. Бир неча миллион йилда бўлса ҳам

## \* Хоҳ ишонинг, хоҳ...

Ернинг ҳалокатга юз тутиб, динозаврларга ўхшаб қирилиб кетиш одамга алам қилади-да!

## ҚАШШОҚ МИЛЛИОНЕР

ҚАШШОҚЛИК касби жуда унча ноб ҳисобланмасда, унинг ҳам ўзига хошлиги, энг муҳими, усталари бор. Яқинда Бразилияда миршаблари томонидан ҳисба олинган 38 ёшли Фотима Перейра де Соуза улардан бири, холос.

Миршабларнинг сўраб-суриштиришлари, терговлар натижасида маълум бўлдики, бу хоним ўзининг паралич бўлиб ётган танишининг боласини ёллаган, яна беш болани тиланчиликда ишлатган. Улар шаҳар марказида ўтган-кетганларнинг раҳми-

ни келтириб, садақа йиғишган. Қўндалик даромад 300 минг крузейро (250 АҚШ долларига тенг). Фотимага шаҳар ташқарисиде уйли, машинали, теле ва видеоаппаратурали бўлишга ёрдам берган.

Бу мазаҳуракликнинг охири яхши бўлмайдиган кўринади. Уни воғта етмаганларнинг меҳнатидан фойдалангани учун икки йил ва ти-

## ДОНОЛИК ҚИЛАМАН ДЕБ

ҚАДИМДАН қабила бошлиқларига чексиз иззат-ҳурмат кўрсатиб келинган. Қабила аъзолари ўз дохилларининг ҳар бир сўзини муқаддас билганлар. Африкадаги баъзи қабилаларда ҳозир ҳам шундай. Улар ўз бошлиқларининг оғзидан чиққан сўзларни сўзсиз бажардилар, у билан ҳар ишда маслаҳат қилидилар. Қабила бошлиқлари бетоб бўлиб қолганда, кеча-кундуз унинг

қулбаси эшигида худодан соғлигини сўрайдилар. Лекин Замбиянинг Зимбабве-нинг чегарасидаги Матоме қишлоғи фуқаролари оз бўлмаса бу қўтлуғ аънанани бузиб юборай деди. Улар ўзларининг дохиллари Мийнди-ни бошлаб таъзирини бериб қўйишмоқчи бўлишди. Доно қабила бошлиғи эса яқиндаги Чирунду шаҳридаги миршаблар ёрдамида таяниб, омон қолди. Ўзи нима гап?

Замбейдаги ёмғир мавсуми тошқинларга сабаб бўлди. Оқибатда Мотоме қишлоғи яқинидаги дарёда тимсоҳ пайдо бўлди. Қаш-паш дегунча тимсоҳ 8 кишини — тагин ҳаммаси аёллар — еб улгурди. Жамоат дохийга мурожаат қилишганда у: «Оллонинг иродаси шундай, тимсоҳлар бизнинг қишлоғимизни алваси ва жодугарлардан халос қилипти, мен тимсоҳларни ўз ҳимоямга олдим», деб жавоб берди.

Дехқонларнинг қаҳр-ғазабининг чеки йўқ эди. Ёшлар қўлларига гаврон олиб, ўзи тимсоҳга айланган дохийга ташланган. Мийнди ўрмонга қўчиб кириб жон сақлади ва бир неча кундан кейин қўриқчилар билан қайтиб келди. Тошпан-тутганини уларнинг қўлига тутқазди. Дохий шу тариха ҳаёт кечириб турирди. Оқибати нима бўларкин — буни ҳеч ким билмайд.

Тоҳир МАҲКАМОВ тайёрлади.

## \* Маданият масканларида

## ЖАМОАГА ФАХРЛИ НОМ



ЯҚКАСАРОЙ туманидаги Абдулла Авлоний номли маданият уйининг қошида ҳам бир неча йиллардан бери миллий созлар жамоаси иш олиб боради. Ўзининг кўп йиллик фаолиятида бу жамоа 100 дан анд сурнай ишчибозини ўз бағрида тарбиялаб, камолга етказди. Жамоа раҳбари баҳодир Ҳакимжонов ўз биланларини бахонидил тўғрақ аъзолари билан ўртоқлашади.

Яқинда жамоа ҳаётида қувончли воқеа юз берди. Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазирлиги ҳайъатининг қарори билан унга ҳақ ҳаваскорлик жамоаси унвони берилди. Бу унвон жамоани янги-янги илҳомларга сари олантириш табиий.

Абдулла ТОЛИПОВ.

СУРАТДА: Абдулла Авлоний номли маданият уйи қошидаги тап ҳаваскорлик жамоаси.

МУАССИСЛАР:  
Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ва «Тошкент оқшоми» журналистларининг жамоаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот комитетида рўйхатга олинган. Рўйхат соин — 000101.

Шайба ва яқшанбадан ташқари ҳар кун ўзбек тилида чиқади.

## Тошкент оқшоми

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар ботқармаси. Ҳузуридаги «Шарқ» наприёт-матбаа кондерни.

Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 33-29-70; эълон ва тикорат хабарларини жойлаштириш масалалари бўйича 32-81-42, 32-55-34, 33-56-67.

Муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ.

## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОМЛАР

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги

Х. З. КАЛОНОВ НОМЛИ ТОШКЕНТ ШАҲАР ОЛИЙ ҲУНАР БИЛИМ ЮРТИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ 9-СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Х. З. Калонов номли олий ҳунар билим юрти Янги ахборот технологиялари (ЯАТ) ихтисосликлари бўйича яқка тартибда сирдан ўқиб гуруҳларига ўқувчилар қабул қилади.

Билим юрти ўз ўқувчилари ва талабаларига янги ахборот технологиялари соҳасида ишчи касбидан тортиб то муҳандис малакасигача бўлган бир неча ихтисосни ағаллаб чиқиш имкониятини беради.

Сиртки бўлимга қабул қилинган ўқувчилар ўзларининг бўш вақтларига қараб яқка тартибдаги ўқув режаси бўйича таълим оладилар. Билим юртига келганлариде уларга танланган касблари бўйича маслаҳат берилади. Сиртки бўлимга қабул қилинганлар ўқув-ишлаб чиқариш практикасида овоз қилинадилар.

Икки йиллик сиртки ўқилиш муваффақиятли битирганлар олий ҳунар билим юртининг қудуғи бўлимга, 3-курсга ўтиб ўқиб ҳуқуқига эга бўладилар.

Ҳар бир йил таълимининг набатдаги босқич танловиде иштирок этишди.

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ 3 БОСҚИЧДА ТАНЛОВ АСОСИДА ЎТКАЗИЛАДИ:

1-БОСҚИЧ — ПЭХМ да математикадан тест синови;  
2-БОСҚИЧ — ПЭХМ да мантиқий тест синови;  
3-БОСҚИЧ — руҳият педагогика тест синови.

Тест натижаларига қараб талабалар олий ҳунар билим юртига қабул қилинадилар.

Аризалар — 25 сентябргача қабул қилинади. МАШҒУЛОТЛАР 1 ОКТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Маълумоти тўғрисидаги гувоҳномадан кўчирма, 2 дона фотосурат, арнза топширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: Хушид кўчаси, 45-уй (10 «а», 85 «а» автобусларнинг «Семашко номли институт» бекати).

Телефонлар: 34-55-73, 34-24-18.

## Тоза сув - ҳар бир хонадонга!



“УЛУГБЕК” МУХАНДИСЛИК  
МАРКАЗИ ТАКЛИФ ЭТАДИ:



“АКВА” ичимлик сувини тозалаш учун қўлланиладиган фильтрлар. “АКВА” юқори самарали, енгил, ихчам фильтр водопровод сувини кўроғиши, симоб, мис, кадий, кобальт, темир, рухлардан, уларнинг бирикмасидан, радиоактивлар, дағал тузлардан, екимсиз хид ва ҳоказолардан тозалайди.

Бир соат ичиде Сиз 20 литр экологик тоза сув оласиз!

ФИЛЬТРЛОВЧИ ЭЛЕМЕНТНИ 5 ЙИЛ МОБАЙНИДА АЛМАШТИРМАСДАН ИШЛАТСА БУЛАДИ.

Ҳақ тўлаш тартиби - турлича. Чакана нарҳда ва кўтарасига харид қилишингиз мумкин.

Тошкентдаги телефонлар: 76-66-72, 34-87-04, 22-06-44

Бизнинг фильтрларни Сиз Гоголь кўчаси, 38-уйда жойлашган “Электроника” дўконидан сотиб олишингиз мумкин.

ЎХРАТЛИ ТОШКЕНТЛИКЛАР ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!

«ЎЗАВТОТРАНС» корхонасининг «ЎЗТРАНСХИЗМАТ» акционерлик жамиятига қарашли

ХУЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ «БАХТ» ИЖАРА АГЕНТЛИГИ

(Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 35-уй)

МЕҲНАТ ЖАМОАСИНИНГ ТАЛАВИГА БИНОАН

ЕПИҚ ТУРДАГИ АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИГА АЙЛАНТИРИЛДИ

Давлат мулкчилик қўмитаси томонидан агентлигини давлат тасаруфидан чиқариш бўйича комиссия ташкил этилди. У давлат корхонасининг ҳуқуқий вориси бўлиб қолади.

ЕПИҚ турдаги акционерлик жамияти — бу сиртати пуллик хизмат кўрсатиш бўйича ишнинг сиртати янги даражасидир.

Агентлик низомида кўзда тутилган хизмат турлари — тўйлар, оилавий тантанали маросимлар ва бошқалар малакали сервис нафолатидир.

СИЗНИНГ МУАММОЛАРИНГИЗ — БИЗНИНГ ЕЧИМЛАРИМИЗ!

## ЦИРК

ТОШКЕНВОН ЭҒАМБЕРДИЕВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — КАТТА ЦИРК ТОМОШАЛАРИ (18/IX да соат 15.00 да, 19/IX да соат 12.00 да).

## ТАШКИЛОТ

Т — 28 — Х — 4 (япги) ТРАКТОРИ ва «БЕЛО-РУСЪ» трактори асосидаги Э — 153 ЭКСКАВАТОРИНИ СОТАДИ

Мулоқот учун телефонлар — 32-20-51 (соат 9.00 да 15.00 гача) ва 76-06-15 (соат 10.00 да 22.00 гача).

Пулат ЖОЗИЛОВ, Тошкент шаҳар ботқармаси Бошқармаси матбуот гуруҳи ходими, ботқарма хизмати лейтенанти.

Узбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Тошкент радиотехника техникуми жамоаси техникумининг кеска ўқитувчиси Сайфулла ШАМСИДИНОВНИНГ вафот этганини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия наҳор қилади.

Эълонлар ва тикорат хабарлари аниқ ва тўғрилиги учун жавобгарлик уларини берган ташкилот ва шахслар зиммасидир.

МАНЗИЛИГАМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент, Матбуотчилик кўчаси, 32-уй. Ҳажми — 2 босма тапбоқ. Обсет. Қорғоз бичими А — 2. Напр. кўрсаткичи 64690.